


## **Тенденции социально-экономического развития регионов за январь-ноябрь 2020 года**

Ҳозирги вақтда коронавирус пандемиясининг давлатимиз барқарор ривожланишига салбий таъсирини бир қанча ижтимоий-иқтисодий жараёнларда кузатиш мумкин. Республикада давом этаётган COVID-19 пандемияси ўз таъсирини ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишида ҳам кўрсатди. Шу билан бирга сентябрь-ноябрь ойларида карантин чоралари юмшатилиши сабабли 2020 йил январь-ноябрь ойлар давомида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг оз бўлсада ўсиши кузатилди (ўсиш суръати 100,1%ни ташкил этди).

Пандемия оқибатларини ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш, ишлаб чиқариш суръатларини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг вақтида амалга оширилиши аксарият ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсишига имкон берди. Ҳудудлар кесимида Жиззах (107,5%), Навоий (108,8%), Наманган (117,0%), Сурхондарё (111,4%) вилоятларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида сезиларни ўсиш, айниқса пахта толаси, калава ип, газлама, дори-дармон, пахта, доқа ва шунга ўхшаш маҳсулотлар эвазига кузатилган. Мамлакатимизнинг 7 вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 100,2-104,3% ташкил этган. Шунини таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятида ушбу кўрсаткичнинг паст суръати (99,7%) тоғ-кон саноати, яъни нефт ва табиий газ қазиб олиш ҳажмининг пасайиши сабабли келиб чиққан.

Саноатнинг юқори концентрациясига (ҳудудларнинг республикадаги умумий улуши 64,0%га тенг) эга бўлган Андижон, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри нисбатан ривожланган ҳудудлар ҳисобланиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми 10-59 млн.сўм оралиғида кузатилмоқда. Юқорида келтирилган ривожланган ҳудудларни паст ривожланган ҳудудлар (аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат ишлаб чиқариш ҳажми республика кўрсаткичига нисбатан 2,4-5,7 марта паст бўлган Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятлари) билан солиштирганда минтақалараро тафоввут анча юқорилиги кўринмоқда (35,4 марта). Бу эса табиий-ресурс салоҳиятига бой, замонавий ишчи кучларини жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ҳамда Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларига алоҳида эътибор қаратилиш лозимлигини англайди.

Мамлакатимизда хизматлар соҳаси 2020 йилнинг январь-ноябрь ойида 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан паст даражада ривожланган бўлиб, 102,2 %ни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби бўлиб республикаимизда короновирус пандемиясини тарқалишини олдини олиш мақсадида қабул қилинган карантин чекловларини давом этганлиги ҳисобланади. Хизматларнинг ўсиш суръати барча ҳудудларда республика даражасига нисбатан юқорилиги қайд этилди. Айниқса Тошкент шаҳрида (106,9 %), Сирдарё (107,8 %), Навоий (105,5 %), Бухоро (104,3 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (105,7 %) юқори бўлди. Қолган ҳудудларда ҳам республика кўрсаткичига нисбатан юқорилигини кузатиш мумкин.



**График 1. Ҳудудларда хизматлар соҳасини ўзгариши тенденциялари**  
(2020 й. январь-ноябрь ойлари ўсиш суръатларини 2019 й. январь-ноябрь ойлари ҳолати билан таққослаш)

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар эса, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига (27263,8 минг сўм), энг пастси эса Сурхондарё вилоятига (2689,3 минг сўм) тўғри келди ва улар ўртасидаги фарқ 10,1 мартани ташкил этди. 2019 йилнинг январь-ноябрь ойлари натижасига кўра хизматлар соҳаси бўйича ҳудудлар ўртасидаги тафовутлар даражаси 9,9 мартани ташкил этган эди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Тошкент шаҳрида ўртача республика кўрсаткичига (5769,9 минг сўм) нисбатан 4,7 марта ортиқ хизмат кўрсатилган.

Таҳлил этилаётган даврда короновирус пандемияси таъсири сабабли мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда молиявий хизматлар ва таълим хизматларидан ташқари соҳанинг барча турлари ривожланмай қолди. Паст кўрсаткичлар айниқса яшаш ва овқатланиш (84,8%), соғлиқни сақлаш (89%), шахсий хизматлар (92,6%)? транспорт хизматларида (91,5%) намоён бўлди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2020 йил 24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда бу соҳада захиралар кўплиги таъкидланиб, ҳудудларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш келгуси йилги устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди.

Умуман олганда 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида шу йилнинг ўтган даврига нисбатан ижобий силжишлар кузатилди. Айниқса бундай ижобий силжиш ҳудудларда хизматлар соҳасини ҳамда санотни ривожланишида намоён бўлди.

**Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш масалалари бўйича лойиҳа томонидан тайёрланган.**